
САХОВАТ ТАДБИРЛАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Имконияти чекланган ва кўмакка муҳтож инсонлар ҳолидан хабар олиб уларга меҳр ва мурувват кўрсатиш азалий қадриятларимиздан ҳисобланади.

Бугун шаҳар ҳокими Адҳам Зиявитдинов бошчилигидаги бир гуруҳ фаоллар ва соҳаватпеша ҳомийлар томонидан Марғилон шаҳридаги маҳалла фуқаролар йиғинларида истиқомат қилиб келаётган имконияти чекланган ва ёлғиз қариялар, ночор оилалар, доимий иш ва даромад манбасига эга бўлмаган фуқаролар ҳолидан хабар олиниб уларга Янги йил байрами муносабати билан озиқ-овқат маҳсулотлари топширилди.

2022-12-23 16:37:45